

2017 й. “30” 05



**Стандартлаштириш ва давлат назоратини мувофиқлаштириш  
бошқармаси бошлиғининг**

**ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ**

**1. Умумий қоидалар**

Стандартлаштириш ва давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимига олий маълумотга эга бўлган ва “Ўзстандарт” агентлиги тизимида ёки давлат ва хўжалик бошқарув органларида стандартлаштириш соҳасида камида 5 йил ишлаган мутахассис тайинланади.

Бошқарма бошлиғи амалдаги қонунчилик, “Ўзстандарт” агентлиги Низоми, қарор ва буйруқлари, бошқарма Низоми, Бош директор ва унинг ўринбосари топшириқлари ва мазкур йўриқномага биноан фаолият юритади ва бошқармага юклатилган вазифалар ижроси учун шахсан жавоб беради.

Бошқарма Низомида кўзда тутилган ишларни ташкил қилади ва бажаради.

Лавозимига тайинлаш, бошқа ишга ўтказиш ва лавозимидан озод қилиш “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг буйруғи билан амалга оширилади.

**2. Лавозим мажбуриятлари**

Бошқарма бошлиғининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- У бир вақтнинг ўзида стандартлаштириш ва ўлчовлар ягоналигини таъминлаш бўйича давлат инспектори ҳисобланади;
- стандартлаштириш ва давлат назоратини мувофиқлаштириш бўйича “Ўзстандарт” агентлигининг сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларини ўрганиш ва уларда қўйилган вазифаларни ўз фаолиятида амалга ошириш;
- халқаро, давлатлараро ва республика доирасида стандартлаштириш ишларини олиб бориш;
- халқаро стандартларни кенг жорий этиш ишларини ташкил этиш;
- стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ва базавий ташкилотлар билан ишлаш;
- Стандартлаштириш ва метрология бошқармалари фаолиятини ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва бошқа назорат органлари билан мувофиқлаштириш;
- Ташкилий-услубий ҳужжатлар ва ҳудудий органлар техник базасини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни кўриб чиқиш;
- “Ўзстандарт” агентлигининг давлат назорати бўйича қонунчилик ҳужжатлари, раҳбарий ҳужжатлар, ташкилий-услубий ва норматив-техник ҳужжатларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш ва иштирок этиш;

- “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий ташкилотларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий ташкилотлари фаолиятини ташкиллаштириш ва назорат қилишда иштирок этиш;

- Стандартлаштириш ва стандартларга риоя қилиниши устидан давлат назорати бўйича йиғма маълумотларни ишлаб чиқиш;

- Республикада давлат назоратининг ҳолатини таҳлил қилиш;

- Стандартлаштириш ва давлат назорати бўйича буйруқлар лойиҳаларини тайёрлаш;

- Бошқармани малакали мутахассислар билан таъминлаш ва уларни жой-жойига қўйиш, билимларидан тўғри фойдаланиш бўйича чоралар кўриш;

- “Ўзстандарт” агентлигининг режалари, буйруқ ва топшириқлари бажарилиши, бошқарма ходимлари томонидан меҳнат интизомига риоя қилинишини тизимли равишда назорат қилиш.

### 3. Билиши керак

- Давлат стандартлаштириш тизими асосларини;

- Бошқа асос бўлувчи ҳужжатлар, “Ўзстандарт” агентлигининг қарор ва буйруқларини;

- “Ўзстандарт” агентлигининг стандартлаштириш ишларини амалга оширишда бошқа корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги қоида ва йўриқномаларни;

- Хат, баён, маълумотномаларни тайёрлаш тартиби ва умуман иш юритиш асосларини;

- Режалаштириш ва бозор иқтисоди асосларини;

- “Ўзстандарт” агентлигининг ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан ишлашни;

- Компьютердан тўғри фойдаланиш қоидаларини;

- меҳнатни ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини.

### 4. Ҳуқуқлари

Бошқарма бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Ўзстандарт” агентлигининг барча бўлинмаларидан фаолиятини бажариш учун зарур бўладиган маълумотларни олиш;

- “Ўзстандарт” агентлигининг бўлимлари, СМБларни турли тадбирлар, истиқболли ва йиллик режалар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашга ўрнатилган тартибда жалб этиш;

- Белгиланган тартибда бошқарма ходимларини ишга олиш, вазифасидан озод қилиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, меҳнат интизомини бузган ходимларга нисбатан интизомий чоралар қўллаш, мукофот пулидан маҳрум қилиш ёки ҳажмини камайтириш тўғрисида таклифлар киритиш;

- Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларига ёзма тавсиялар, шунингдек “Ўзстандарт” агентлиги раҳбари имзоси билан бошқа таклифлар чиқариш;

- “Ўзстандарт” агентлиги номидан илмий-амалий конференция, семинарлар ва агентлик раҳбарияти кўрсатмаси билан бошқа соҳага доир тадбирларда иштирок этиш.

### 5. Жавобгарлиги

Бошқарма бошлиғи бошқармага ва унга мазкур йўриқноманинг 2-бандида кўзда тутилган функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши учун, тақдим этаётган ва умумлаштирган маълумотномаларининг тўғрилиги учун, режа, топшириқлар, ички тартиб қоидалари бажарилиши, меҳнат, ишлаб чиқариш интизоми, меҳнат муҳофазаси, техника, ишлаб чиқариш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга шахсан жавобгар ҳисобланади.

#### 6. Ўзаро алоқа

Бошқарма бошлиғи Бош директор ва унинг ўринбосарига бўйсунди. Бошқарма бошлиғи “Ўзстандарт” агентлигининг бўлимлари, ҳудудий СМБ билан агентлик фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилади.

Танишдим:

